


“КЕЛИШИЛДИ”

**“Хазорасп эркин иктисодий зона
Дирекцияси” ДУК директори**



С.Джуманиязов

« _____ » 2022 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

**Хоразм вилояти ҳокимлигининг
“Ягона буюртмачи хизмати”
инжиниринг компанияси
директори**



Ш.Отаев

« _____ » 2022 йил

ЛОЙИҲАЛАШ ТОПШИРИҒИ

Янгибозор тумани “Бўзқалъа” қишлоғида жойлашган “Хазорасп” эркин иқтисодий зонасининг ташқи автомобиль йўллари, сув таъминоти ва канализация тармоқлари, электр энергия, табиий газ тармоқлари ва телекоммуникация тармоқларини қуриш

Янгибозор тумани Бўзқалъа қишлоғида жойлашган “Хазорасп” эркин иқтисодий зонасининг ташқи автомобил йўллари, сув таъминоти ва канализация тармоқлари, электр энергия, табиий газ тармоқлари ва телекоммуникация тармоқларини қуриш

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
1	Буюртмачи	Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
2	Лойиҳалаш учун асос	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 августдаги ПҚ-4810-сонли қарорига асосан. 2. Янгибозор тумани ҳокимининг 2020 йил 29 августдаги 1378-сонли қарори 3. Хоразм вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 2020 йил 29 августдаги 169-20/А-сонли МРТ-I-II ҳужжатлари.
3	Лойиҳа ташкилоти – лойиҳачи	Бош Танлов асосида аниқланади
4	Бош пудратчи ташкилот	Танлов асосида аниқланади
5	Лойиҳалаш кетма-кетлиги	Бир босқичли ишчи лойиҳа
6	Ишларнинг бошланиш ва яқунланиш муддати	2022 йилда бошланади. 202 йилда тугалланади.
7	Объектни молиявий манбаи	Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредит маблағлари ҳисобидан
8	Мухандислик изланишлари зарурлиги.	1:500 масштабдаги топографик хариталардан фойдаланилади. Мухандислик геологик изланишлар лойиҳа таркибида бажарилади.
9	Қурилиш ости майдони шароити (сейсмика, тупроқ гуруҳи ва ҳакозо)	Қурилиш майдони текис Зилзилавий райони -7 балл Зилзилабардошлик -8 балл Тупроғи - чўкмайдиган Тупроқни музлаш чуқурлиги -0,7 м Шамол босими -38 кгс/м ² Қор қатлами оғирлиги -50 кг/м ² , ҳамда муҳандислик изланишлари натижалари асосида
10	Турар жойлар, жамоатчилик бинолари, ободонлаштириш, муҳандислик тармоқлари	Ташқи автомобил йўллари, сув таъминоти ва канализация тармоқлари, электр энергия, табиий газ тармоқлари ва телекоммуникация тармоқларини қуриш
11	Мухандислик тармоқларига асосий талаблар	Худуднинг батафсил режалаштириш схемасида муҳандислик тармоқлари алоҳида кўрсатилиб, тегишли ташкилотлар билан келишилади. Лойиҳани яқунлаш қизил чизикгача: “Хазорасп” эркин иқтисодий зонасининг: Ташқи автомобил йўллари тармоқлари қуриш - техник-фойдаланиш кўрсаткичларини зарурият ва меъёрий талаблардан келиб чиқиб, такомиллаштириш кўзда тутилиши лозим, (ўтказиш қобилияти, ҳаракат хавфсизлиги, ташиш таннархини камайтириш ва ҳоказо) ва ШНҚ 2.05.02-07 таълабларига кўра бир ўққа тушадиган оғирликга аниқлик киритиб ҳисоблансин; Сейсмиклик даражаси – ҚМҚ га биноан қабул қилиниб лойиҳалансин. Тупроқ чўкиши даражаси инобатга олиниб, дала-қидирув ишлари асосида аниқланиб лойиҳалансин ; Меъёрий талабларга жавоб берадиган маҳаллий

		<p>материаллардан фойдаланилсин.</p> <p>Лойихада трасса боши ва охири пикетларда кўрсатилиб лойихалансин</p> <p>Иссиқ майда донали а\б қоплама ГОСТ 9128-13 га асосан Н=6 см қилиб лойихалансин.</p> <p>Чакилган тошдан йўл асоси (юкори қатлами) ГОСТ 8267-93 га асосан Н=15 см лойихалансин.</p> <p>Кум-шағал аралашмасидан йўл асоси (пастки қатлами) ГОСТ 25607-2009 га асосан Н=20 см лойихалансин.</p> <p>Ишчи лойихада 25м узунликда кўндаланг кесим кўрсатилган холда лойихалансин.</p> <p>Бўйлама кесимда реперлар кўрсатилиши шарт.</p> <p>Сув таъминоти канализация тармоқлари қурилиши (1,5 км Д-160 полиэтилен ичимлик суви қувури) 1 та резервуар ҳар бири 500 м 3 бўйича қуйидагилар: П/э трубалар диаметри, трубалар қалинлиги лойиха ечими бўйича ($t=P_{раб} \times 1,25атм$) танлансин ва бунда норматив талабларга жавоб берадиган маҳаллий материаллардан фойдаланилсин. (задвижка, отвод, втулка, тройниклар, 1500мм ўлчамли темир-бетон қудуқлар, пожарный гидрант). Пожарный гидрант – бинога яқин бўлган охириги қудуқга ўрнатиб лойихалансин. Ишчи лойихада трубаларни, қудуқларни кўндаланг, бўйлама кесими ва репер кўрсатилиши шарт.</p> <p>Барча қувур ва қудуқлар изол билан изоляцияланиб, ёпик холатда химояланган холда бажарилсин.</p> <p>Худудда марказлашган қувурлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, талабдан келиб чиққан холда ҳамда тегишли ташкилотларнинг техник шартлари, техник хулосаларига асосан ҳамда 100м³лик оқава сув тозалаш иншоатлари лойихаланиб, тегишли ташкилотлар билан келишилсин.</p> <p>Лойихалашда ҚМҚ-2.04.02-97, ҚМҚ-2.04.03-96, талаблари бажарилиб лойихалаштирилсин.</p> <p>Электр энергияси тармоқлари (8,0 км 10 кВ ҳаво линияси, 2 та ГКТП 630 кВАлик трансформатор пункти)-қурилиши зарур бўладиган трансфарматор пунктлари сони ва қуввати ҳамда электр узатиш линиялари узунлиги, электр таъминоти ҳаво кабель линиялари орқали 220-380 кВт кучланишли тармоқларни ерга улаш (заземления қилиш), тегишли ташкилотларнинг техник шартлари ва ПУЭ-2011га асосан лойихалансин.</p> <p>Табий газ тармоқларини (0,8 км. (108мм) 1 дона РДУК-100 2 дона РДУК-1000) қуриш- ишчи лойихада ШНҚ 2.04.08-13 талабларига асосан ва битта Газ тақсимлаш пункти - ГРП ўрнатиб лойихалансин.</p> <p>Мухандислик тармоқларига уланиш нукталари тегишли ташкилотларнинг техник шартлари ҳамда техник хулосаларига асосан лойихалансин.</p>
12	Қурилиш объектининг мураккаблик тоифаси	II-III
13	Фуқоро муҳофазаси ва ЁХБ талаблари бўйича муҳандис-техник ишланмалар	Берилган техник шартлар ва ШНҚ, ҚМҚ талаблари асосида лойихалансин.
14	Лойиха ечимларини келишиш	Худуднинг эскиз схемасида аҳоли пунктининг мавжуд ҳолати ва лойиха таклифлари акс эттирилади Объектларнинг лойихалари вилоят архитектура бошқармаси, ДСЭНМ, ЁХБ, туман ободонлаштириш бошқармаси, ногиронлар жамияти ва тегишли техник шарт берган ташкилотлар билан келишилади.

15	Смета хужжатларига талаблар	Лойиха-смета хужжатларида йул кўйилган хато-камчиликлар лойихачи ташкилоти томонидан баргараф қилинади, лойиха билан смета хужжатлари ўртасидаги тафовутлар, иш хажмлари тўғри келмаслик ҳолатлари учраса (қурилиш давомида камчиликлар аниқланса) лойихачи ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобидан тўғирланади.
16	Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича талаблар.	Алоҳида шартнома асосида лойиха билан акс этади.
17	Фуқоро муҳофазаси ва ФВВ талаблари бўйича муҳандис-техник ишланмалар.	Берилган техник шартлар ва ҚМҚ талаблари асосида бажарилади.
18	Ишлар қийматини аниқлаш.	Лойиха хужжатлари бўлимлари, таркиби ва уларнинг мазмуни амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага мувофиқ бўлиши керак ; -смета ҳисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2021 йил II-чорак каталоги бўйича тайёрланган, комиссия томонидан тасдиқланган ўртача нархларга асосан жорий нархларда амалга оширилсин. Қурувчи ишчиларнинг ўртача соатлик иш ҳақи – 16032,92сўм (12% ижтимоий суғурта ажратмаларини ҳисобга олган ҳолда) дан олинсин. Пудратчининг ҳаражатлари 15,51%, буюртмачи ҳаражатлари қўшимча илова қилинади, таваккалчилик коэффициенти–0. Материал ресурсларига транспорт ва омборхона-тайёрлов ҳаражатларини Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2011 йил 30 январдаги 352/11-05-сонли хатига асосан олинади. -Иш хужжатлари 1 нусхада экспертизага бериш учун Буюртмачига берилади.
19	Лойихалаш ишларини бажаришга қўйиладиган талаблар	Лойиха хужжатлари бўлимлари, таркиби ва уларнинг мазмуни амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага мувофиқ бўлиши керак. Лойиха ташкилоти экспертиза давомида дизайн ечимларини химоя қилишни таъминлайди.
19	Бошқа талаблар	Тайёрланган барча лойихалар буюртмачига (ЯБХИК), -Ишчи лойиха, 4 (тўрт) нусхада, -Локал ва ресурс сметалари қоғозда 2 (икки) нусхада, -электрон версияси (диск) билан,

“Буюртмачи”

Хоразм вилояти ҳокимлигининг
“ЯБХ” ИК бош муҳандиси



Б.Сапаев

Хоразм вилояти ҳокимлигининг
“ЯБХ” ИК лойиха бўлими бошлиғи
В.В.Б



М.Ходжаев

Хоразм вилояти ҳокимлигининг
“ЯБХ” ИК лойиха бўлими
мутахассиси



Д.Абдирахмонов